

Сухда сайловларга тайёргарлик ишлари қандай олиб борилаяпти?



Жорий йилнинг 23 ноябр Сўх туманида сайловга тайёргарлик кўриш буйича бир қатор ўрганишлар олиб борилди. Туманда жами бўлиб 27 та сайлов округи, 30 та сайлов участкалари ҳамда вилоят Кенгашига 2 та округ сайлов комиссиялари ташкил этилган бўлиб, шундан 2 таси махсус участка ҳисобланади.

Ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди: 30 та сайлов участкалардан 25 таси умумий ўрта таълим мактабларида, 1 та мусиқа ва санъат мактабида, 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида, 1 та маҳалла гузариди, 1 таси маданият бўлими биносида ва 2 та ҳарбий қисмда ташкил этилган.

- Участка сайлов комиссияси жойлашган бино ва унга олиб борувчи йўлаклар озода ва таъмирланган булиб, ёритиш мосламалари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда;

- участка сайлов комиссияларига борувчи йўллар кўринарли кўрсаткичлар билан тулиқ таъминланган;

- биноларга киришда белгиланган талабдаги ногиронлар аравачасига мос пандуслар ташкил этилган.

Участка биноларида Давлат байроғи, Давлат герби, участка тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳалар бор бўлиб, 30 та участкаларда стационар кичкина ва катта ҳажмдаги сайлов қутилари 6 тадан, жами 12 та етишмайди. Кўчма сайлов қутиси 7 та, ёритиш тизими ва ёзув анжомлари бўлган кабиналар 8 комплектга, пластмассали пломбалар 32 та, янги ташкил этилган участка сайлов комиссиясига 4 та муҳр, 24 та сайлов участкаларга интернет тармоғини улаш лозимлиги аниқланди.

Округ сайлов комиссиялари жойлашган бинолар талаб даражасида жиҳозланган.

Тумандаги сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари ҳар бир участка сайлов комиссиясига сайловчилар рўйхатини чоп этиш учун етарли даражада оргтехникалар билан таъминланган. Сайлов санасига бағишланган плакат (**...сайловга __кун қолди**) бор, лекин айрим участка биноларининг ички қисмида илинган. **Сайловга __кун қолди** деган ёзув плакатини бир хил ҳажмда ҳар бир участкаларга илиш тавсия этилди.

Тумандаги мавжуд участкаларда сайловга оид инфографик ва схематик кўринишдаги тушунтириш материаллари талаб даражасида ташкил этилган.

Туманда сайловга тайёргарлик буйича ишлар талаб даражасида ташкил этилган бўлиб, туман маҳаллий телевиденияси ва туман ҳокимлиги Ахборот хизмати билан ҳамкорликда ОАВ да ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиш кенг йулга қуйилган ва сайловга тайёргарлик ишлари қизғин давом этаётир.

2019-11-23 17:15:11